
ИННОВАЦИОН КЎЧМА АВТОСИНФХОНА

Кейинги пайтда ўқувчилар иштирокида содир бўлаётган турли йўл транспорт ҳодисалари тобора кўпаяётгани барчамизни ташвишга солмоқда. Албатта, бундай нохуш ҳодисаларнинг олдини олиш учун ўқувчиларга йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини мукамал ўргатишимиз зарур.

Ана шуларни инобатга олиб, туман “Ватанпарвар” ташкилоти ўқув-спорт клуби мутахассислари ташаббуси билан Республикамизда биринчи бўлиб, инновацион кўчма автосинфхона ташкил этдик. 25 нафар ўқувчиларга мўлжалланган автосинфхонани барча йўл ҳаракати белгилари, интерактив доска, компьютер каби замонавий ўқув қуроллари билан жизоҳладик. Автосинфхона режа асосида туманимиздаги барча мактабларга бориб, мутахассислар томонидан ўқувчиларга йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари ўргатилмоқда.

А. ТЕШАБОЕВ,

туман УСТК раҳбари.

2021-04-28 11:57:51